

ISSN: 2181-4031

DOI Journal 10.56017/2181-4031

JOFS

5-СОН

МАЙ, 2023

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

Journal of Fundamental Studies

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ



IMFAKTOR
PAGES



ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 5-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-5

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-5

ТОШКЕНТ – 2023

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 5 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-5>

Бош муҳаррир:

Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Саттаров О. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исҳоқов М. – тарих фанлари доктори, профессор

Абдуҳалимов Б. – тарих фанлари доктори, профессор

Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т. – юридик фанлар доктори, профессор

Қодиров Б. – юридик фанлар доктори, доцент

Қиличев Х. – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

Баҳодиров Р. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Саифназаров И. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Идиоров У. – сиёсий фанлар доктори, профессор

Абдуллаев Н. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Сатторов А. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Умаров А. – социология фанлари доктори, профессор

Матибаев Т. – социология фанлари доктори, профессор

Каюмов К. – социология фанлари бўйича фалсафа доктори

Мазкур фанлараро илмий-амалий журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: <https://imfaktor.uz>, 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-ўй.

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© IMFAKTOR Pages, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

Социология фанлари

РАЗЗАҚОВ Ҳасанбой Мирзаевич

Фавқулудда вазиятлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги

Фуқаро муҳофазаси институти 2-босқич магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7889153>

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ДАВЛАТ ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ЮЗАСИДАН ТАКЛИФЛАР

АНОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон Республикаси Фавқулудда вазиятларни олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш Давлат тизими (ФВДТ) фаолиятини такомиллаштириш борасида олиб борилган тадқиқотлар ва замонавий ёндошувларга асосланган ҳолда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар юзасидан таклифлар баён этилган.

Калит сўзлар: фавқулудда вазият, давлат тизими, ФВВ, ФВДТ, ФВДТ фаолияти, ФВДТ функционал ва худудий куйи тизимлари, ФВДТни такомиллаштириш.

РАЗЗАҚОВ Ҳасанбой Мирзаевич

Магистрант 2-го курса Института

гражданской защиты Академии МЧС

ПРЕДЛОЖЕНИЯ О МЕРАХ ПО ДАЛЬНЕЙШЕМУ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ГОСУДАРСТВЕННОЙ СИСТЕМЫ ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ И ДЕЙСТВИЙ В ЧРЕЗВЫЧАЙНЫХ СИТУАЦИЯХ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

АННОТАЦИЯ

В статье представлены предложения по реализации мероприятий на основе исследований и современных подходов по совершенствованию деятельности Государственной системы предотвращения и действий в чрезвычайных ситуациях (ГСЧС) Республики Узбекистан.

Ключевые слова: чрезвычайная ситуация, государственная система, МЧС, ГСЧС, деятельность ГСЧС, подсистемы ГСЧС, совершенствование ГСЧС.

RAZZAKOV Khasanboy Mirzaevich*Master student of the 2nd year of the Institute of Civil Protection
of the Academy of the Ministry of Emergency Situations***SUGGESTIONS FOR MEASURES FOR FURTHER IMPROVEMENT
ACTIVITIES OF THE STATE SYSTEM OF PREVENTION AND ACTION
IN EMERGENCY SITUATIONS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN****ANNOTATION**

The article presents proposals for the implementation of measures based on research and modern approaches to improve the activities of the State System for Prevention and Action in Emergency Situations (SSES) of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: emergency, state system, Ministry of Emergency Situations, State Emergency Service, activities of the State Emergency Service, subsystems of the State Emergency Service, improvement of the State Emergency Service.

Мамлакатимизда аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича ваколатли давлат тизими ва бошқарув органларини ривожлантириш ва улар фаолиятини янада такомиллаштириш долзарб ва муҳим масалалардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ислохотлар концепциясига асосан, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг янги тизими жорий этиш, аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг сифат жиҳатидан самарали механизми яратиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуслари ва бевосита раҳбарликларида давлатимизни барча жабҳаларида бўлгани каби ФВДТнинг ривожлантириш, янада такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар ташкил этилган ҳолда амалга оширилмоқда [3].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги “Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5066-сон Фармони билан тасдиқланган ФВДТни янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар Дастурига асосан босқичма-босқич тадбирлар амалга оширилди. Янги Ўзбекистон ислохотлари даврида хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси вазифаларига мувофиқ, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш чора тадбирлари самарадорлигини янада ошириш бўйича ФВДТни такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишлари белгилаб олинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги “Фавқулодда вазиятлар тузилмаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4276-сонли қарори билан тасдиқланган 2019-2021 йилларда ФВВ фаолиятини такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланган [7].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январь кундаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган Тараққиёт стратегиясини амалга оширишга оид Давлат Дастурларидаги устивор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар каторида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирларининг ҳам белгиланганлиги ФВДТнинг янада такомиллаштирилади.

ФВДТ яхлит миллий тизим сифатида республикамиз аҳолиси ва ҳудудларини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш мақсад ва вазифалари йўлида кенг қамровли ва самарали фаолият юритар экан амалиётда юзага келаётган муаммоли масалалар ва ҳуқуқий бўшлиқларни ҳал этиш, тизимни “инсон-жамият-давлат” тамойили асосида тартибга солиш ва ривожлантириш юзасидан давлат сиёсати даражасида меъёрий-ҳуқуқий, ташкилий-амалий ҳамда таъминот чора-тадбирлари кўриб борилади. Бунда етакчилик ва ташаббускорлик махсус ваколатли бошқарув органи ФВВ томонидан ташкилий-методик жихатдан амалга оширилади [8].

Илмий тадқиқот иши доирасида, унинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, ривожланган хорижий мамлакатларнинг фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш давлат тизимлари тузилиши ва фаолияти ўрганилиб, уларнинг ижобий ва самарали жихатлари илғор тажрибалар сифатида кўриб чиқилди. Ривожланган давлатларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида эришган ютуқларини мамлакатимиз ФВДТга тадбиқ этиш борасидаги маълумотлар ўрганилди ва таҳлил қилинди. Шунингдек, Андижон вилояти ФВДҚТ мисолида, тизимнинг фаолияти ва тайёргарлик ҳолати таҳлилларига асосланган ҳолда ҳамда тизимдаги мавжуд муаммоли масалаларни ҳал этиш юзасидан ФВДТ фаолиятини янада такомиллаштириш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар бўйича таклиф ишлаб чиқилди [9].

Бунда, 2021-2023 йиллар давомида Андижон вилояти ФВДТ функционал ва ҳудудий куйи тизимлари бошқарув органлари, куч ва воситалари билан амалга оширилган асосий чора-тадбирлар, ўтказилган кўмондонлик штаб-ўқув машқлари, ваколатли давлат назорати тадбирлари (комплекс текширувлари) ҳамда мавсумий профилактик тадбирлар, улар натижалари, қайд этилган ва кузатилган ҳолатлар таҳлилларига асосланилди [10].

Шунга, кўра мазкур йўналишларда бевосита ташкил этилган ва амалга оширилган тадбирларнинг тадқиқ қилиниши юзасидан ФВДТ фаолиятини янада такомиллаштириш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирларни куйидаги тартибда келтириш мумкин:

1. ФВДТ функционал ва ҳудудий куйи тизимларининг ҳар йил учун белгиланадиган “Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича асосий тадбирлар Режаси”ни бажарилишини ташкил этиш, амалга ошириш ва назорати юзасидан куйидаги чора-тадбирларни амалга оширилиши таклиф этилади [2]:

Фавқулодда вазиятлар профилактикаси, шу жумладан маҳаллалар кесимида ишларни ташкил этиш бўйича:

- “Маҳалла фуқаро муҳофазаси” тизими тузилмалари йиғма гуруҳларни тегишли шахсий таркиб билан амалда тўлиқ жамлаш ва уларни сақлаб туриш учун аҳолини, айниқса ёшларни имтиёз, рағбат ва мукофотлар эга бўлишларини тарғиб қилиш;

- рағбатлантириш, тақдирлаш ёки имтёзлар қўллаш чораларини кўриш, йиғма гуруҳларни белгиланган моддий техник воситалар билан таъминлашда маҳаллий бюджет, хомийлик, хайрия ва бошқа қонун билан тақиқланмаган манбалардан шакиллантириш ишларини амалга ошириш.

Ис газидан заҳарланиш ҳамда газ-ҳаво аралашмасининг чақнаши билан боғлиқ ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш бўйича:

- печлар, дудбуронлар ва шамоллатиш каналларини куриш, монтаж қилиш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, шунингдек, аҳолига ёнғин хавфсизлиги соҳасида хизмат кўрсатаётган идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш функциясини бажарувчи давлат ва хўжалик органларини ташкил этиш;

- ёнғинни ёки ис газини барвақт аниқлайдиган ва хабар берадиган автоматик техник қурилмалар ёки газосигнали-заторларни ўрнатиш;

- куз-қиш мавсумида хонадонларда хаво-газ аралашмасининг чакнаши ҳамда одамларнинг табиий ваис газидан заҳарланиши билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олишнинг ташкилий (*Давлат муассасаси*) ва техник (*газосигнализатор*) ечимлари ҳамда уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш бўйича янги ёндашув (*секторлар кесимида маҳаллабай*) ишларини амалга ошириш.

Фавқулодда вазиятларни барвақт аниқлаш ва бартараф этиш бўйича:

- лойиҳаларни экспертизадан ўтказувчи ташкилотларда ёнғин хавфсизлиги муҳандиси лавозимини жорий этиш;

- барча объектларни фойдаланишга қабул қилиш комиссияларида Давлат ёнғин назорати органи иштирокини таъминлаш;

- бинолардаги ёнғинга қарши ҳимоя тизимларига мунтазам техник хизмат кўрсатилишини таъминлашни ва биноларнинг ҳолатини назорат қилиб боришни алоҳида бошқарув органлари зиммасига юклатиш ҳамда бу борада жавобгарлигини белгилаш;

- ёнғин-кутқарув қисмларининг махсус автонарвон ва автокўтаргичлар билан етарлича таъминлаш.

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизимида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш бўйича:

- аҳолига хабар бериш ва маълумот етказишнинг автоматлаштирилган тизимининг бошқарув қурилмалари, рупор-сирена терминал комплекслари, комплект телевизион ва радиотелеканалларни эгаллаш (перехват) қурилмалари ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш воситаларини харид қилиш;

- Фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш ва бошқариш миллий маркази ҳамда ҳудудий тезкор бошқарув марказлари фаолиятини ташкил этиш ҳамда моддий-техник базасини яратиш;

- телевидение ва радиоканалларни эгаллаш қурилмаларини ўрнатиш орқали марказлашган хабар бериш тизимини яратиш;

- барча потенциал кимёвий хавфли, сув омборларида автоматлаштирилган хабар беришнинг локал даражадаги тизимларини яратиш ва жорий этиш.

Аҳолида болалик ёшидан фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга оид зарур билим ва кўникмаларни ошириб бориш бўйича:

- Мактабгача таълим ташкилотларида соҳада таълим-тарбия жараёнини яхшилаш учун, амалдаги “Илк қадам” давлат ўқув дастури мавзулар режасини қайтадан кўриб чиқиш ва такомиллаштириш, хусусан “Эҳтиёт бўл ёнғин!”, “Гугурт ўйинчоқ эмас”, “Дўстимнинг ўйи ёнди” каби махсус давомийлиги 15-35 минут бўлган мавзуларни киритиш, шунингдек, “Ҳаётини фаолият хавфсизлиги асослари” бўйича йил давомида таълим-тарбияни бериб бориш;

- Умумтаълим мактабларда алоҳида “Ҳаётини фаолият хавфсизлиги” фанини жорий этиш;

- ҳаётий фаолият хавфсизлиги ўқув марказлари қошида ҳарбий-маъмурий секторларни ривожлантириш жамғармасининг маҳаллий даражадаги маблағлари ва қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига замонавий кўргазмали материаллар, интерактив ўқитиш воситалари билан жиҳозланган “Фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш мажмуалари”ни яратиш;

- электрон платформалар орқали масофавий шаклда таълимни босқичли шаклда ташкил этиш ва мобиль ўқув иловаларни яратиш.

Аҳоли пунктларини махсус шошилинч хизматларнинг тезкор ёрдами билан тўлиқ қамраб олиш бўйича:

- 2 та ёнғин-қутқарув қисмлари (Кўрғонтепа тумани Дардоқ қишлоғи, Балиқчи тумани Чинобод шаҳарчаси) ҳамда 6 та кўнгилли ёнғиндан сақлаш постлари (Асака тумани Қадим қишлоғи, Мархамат тумани Полвонтош шаҳарчаси, Улуғнор тумани Мингбулоқ МФЙ, Шахрихон тумани Сегаза қишлоғи, Андижон тумани Бўтақара қишлоғи ҳамда Избоскан тумани Чувама қишлоғи) барпо этиш.

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш тизимида кирувчи ташкилотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича:

- фавқулодда вазиятларни олдини олиш учун моддий техник таъминлашни молиялаштиришнинг аниқ смета ва улушларда ҳар йил учун ҳамда барча давлат ва хўжалик бошқарув органлари учун мажбурийлигини белгилаш, ташкилот (объект)ларда эса ўз хўжалик ҳисобидан молиялаштириш механизмини ва қонунда тақиқланмаган бошқа манбааларни йўналтириш тартибини белгилаш бўйича меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш;

- ФВДТ таркибидаги хизматлар ва иқтисодиёт объект-ларининг маҳаллий бошқарув органларида фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси бўйича мутахассис штат бирикларини жорий этиш, бошқа қўйи бўғин ва тармоқларда ходимларга ушбу вазифаларни бажаришни юклаш, мутахассис сифатида тайинлаш тартибини аниқ белгилаш ҳамда уларга қўшимча вазифа бажарганлиги учун ҳақ тўлаш ёки рағбатлантириш масалаларини тартибга солиш, ҳуқуқий-меъёрий асослантириш;

- хориж тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, ёнғин оқибатида аҳоли ва ташкилотларга етказилган зарарни қоплаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган суғурталашнинг миллий тартибини ишлаб чиқиш;

- хорижий илғор тажрибалардан келиб чиққан ҳолда аҳолини фавқулодда вазиятларга тайёрлаш тадбирларига жамоат бирлашмалари, нодавлат ва нотижорат ташкилотлар иштирокини йўлга қўйиш ҳамда аҳолини тайёрлаш тадбирларини ташкил этиш ва амалга оширишни маҳаллий бюджет, солиқлар, суғурта йиғимлари ва кўнгилли хайриялардан молиялаштириш.

2. Андижон вилояти ФВДТ функционал ва ҳудудий қўйи тизимлари бошқарув органлари, куч ва воситалари билан 2021-2022 йилларда ўтказилган “Зилзила билан боғлиқ табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш бўйича ҳаракатлари” мавзусидаги қўмондонлик-штаб ўқув машқлари тахлили ва тадқиқига асосланган ҳолда қуйидагилар таклиф этилади [1]:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 сентябрдаги “Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 754-сон Қарорига асосан, ФВДТнинг асосий тадбирлар режаларига мувофиқ, 2021-2022 йилларда Андижон вилоятида жами 8 та қўмондонлик-штаб ўқув машқлари ўтказилди.

Ушбу ўқув машқларида йўл қўйилган нуқсон ва камчиликлар, муаммолардан келиб чиқиб, куйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, хусусан:

- ҳокимликлар фавқулодда вазиятларни бартараф этиш штаби, эвакуация ва иқтисодиёт объектларини барқарорлигини таъминлаш комиссияларининг юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар ва оқибатларини бартараф этиш тадбирларини режалаштириш ва амалга оширишга оид соҳа ва йўналишлар бўйича тегишли маълумотларга эга бўлишларини таъминлаш, шартли вазиятларни таҳлил қилиш, машқ ғоясидаги вазиятлардан келиб чиқиб, зарурий куч ва восита-ларни ҳисобини тузиш юзасидан кўникмаларини шакиллантириш;

- ташкилот, идора ва объектлар раҳбарлари – фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бошлиқларини фавқулодда вазиятлар оқибатларини ўрганиш, уларни бартараф этиш юзасидан ўз ишчи ҳариталарида ишлаш бўйича малакасини ошириш;

- ФВДқТ хизматларининг соҳа ва йўналишлар бўйича тегишли маълумотлар базасини яратиш, тезкор ахборот гуруҳлар таркибида фаолият юритиш бўйича куч ва воситалар ҳисоб-китобларига эга бўлишлари;

- фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш, хавфли ҳудудлардан кўчирилган аҳолига бирламчи ҳаёт маромини таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширишга зарур бўлган куч ва воситалар ҳамда моддий ва молиявий хазиралар ҳисоб китоблари аниқ ишлаб чиқиш;

- ҳаракатдаги бошқарув масканини дала шароитида ёйиш учун имкониятлар яратиб бориш, ФВДқТ хизматлар учун навбатчилик ва дам олиш жойлари етарли ташкил этиш, кичик алоқа тармоғини ишга туширишга олдиндан чоралар кўриб бориш;

- фавқулодда вазиятларда аҳолини огоҳлантириш ва хабар беришда маҳалла фуқаро муҳофазаси тузилмалари йиғма гуруҳларидан фойдаланиш;

- тезкор маълумот ва хабрномаларни таҳлил қилиш ҳамда улар билан ишлаш, ишчи ҳариталарга тушуриш ишларида маълумот ва хабарларни акс эттириш ҳамда шартли белгиларни қўйишда хатоликларни олдини олиш;

- ҳаракатдаги бошқарув масканидаги ФВДқТ хизматлари масъул шахсларининг тезкор маълумот ва хабрномаларни таҳлил қилиш ҳамда улар билан ишлаш, ишчи ҳариталарга тушуриш кўникмасини шакиллантириш;

- маҳаллий Кўчириш комиссияларининг “Фавқулодда вазиятларда туман аҳолисини хавфсиз ҳудудларга кўчиририш чора-тадбирлари Режа”ларини қайта кўриб чиқиб, ундаги кўчиришга жалб этиладиган куч ва воситаларига хусусан, ташиш транспорт воситаларига аниқликлар киритиш;

- фавқулодда вазиятларда кўп сонли аҳолини кўчириш ва жойлаштириш тадбирларини амалга оширишда ижтимоий-тиббий таъминлаш ҳамда зарурий ҳаётий шарт шароитларни яратиш масалаларини йирик хажмларда олиш;

- доимий тайёргарликдаги масъул хизматлар ва аварий-тиклаш куч ва воситаларининг шахсий химоя ҳамда қутқарув асбоб анжомлари билан тўлиқ таъминлаш чораларини босқичма-босқич кўриб бориш;

- йирик хажимли фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун туман ФВДқТ тизимига зарур бўладиган куч ва воситалар, моддий-техник таъминот ҳисобидан келиб чиқиб, яқин туманлар ва вилоятдан олинадиган ёрдамларга аниқликлар киритиш, олдиндан келишув ва талабномалар киритиш;

- туманлар МФЙлари томонидан “Маҳалла фуқаро муҳофазаси тузилмаси” йиғма гуруҳларини тўлиқ жамлаш, улар шахсий таркибининг ўқитиш ва тайёрлаш тадбирларини етарли даражада амалга ошириш;

- юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларда оқибатларини бартараф этиш ва аҳоли ҳаёти билан боғлиқ дастлабки зарурий таъминотини тадбирларни амалга ошириш учун туманлар ФВДқТлари доимий тайёргарликдаги масъул хизматлари авария-тиклаш куч ва воситалари махсус ва транспорт техникалари ва моддий-молиявий захиралари етишмаслиги муаммоларини маҳаллий ва объект даражаларида бартараф этиш;

- туманлар ФВДқТлари объект даражасидаги бошқарув органлари, куч ва воситалари билан фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш, ёнғин хавфсизлигини ва фуқаро муҳофазасини таъминлаш борасидаги тадбирларни янада кучайтириш;

- умумталим мактаблари ва мактабгача таълим муасасаларида ФМ бурчакларини ташкил этиш ва ФВ ўқув моддий техник базаси яратиш ҳамда ўқитиш-тайёрлаш тадбирлари доимий равишда олиб бориш [4].

3. Андижон вилояти шаҳар ва туманларида 2021-2022 йилларда ўтказилган ФВДқТ ва ФМ тизимининг тайёргарлик ҳолатини комплекс текшириш ва амалий ёрдам кўрсатиш давлат назорати тадбирларида аниқланган нуқсон ва камчиликлар, муаммолар юзасидан қуйидаги чораларни кўрилиши таклиф этилади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 сентябрдаги “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси, шунингдек кемалар, шу жумладан кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш соҳасида давлат назоратини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 744-сон Қарорига мувофиқ, тадқиқотга олинган давр яъни, 2021-2022 йилларда Андижон вилояти ФВДТда жами 12 та туманларда комплекс текширувлар ўтказилди. Уларда аниқланган ҳолатлардан келиб чиқиб, қуйидаги тадбирларни амалга ошириш таклиф этилади [2]:

- туманлар ФВДқТ хизматлари, тизим таркибига кирувчи ташкилот, идора ва объектларида ФВМҚ бўйича тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини сифатли ўрганилишини ташкил этиш ва талаблари ижросини ўз бошқарув органлари томонидан назорат қилиш;

- туманлар ФВДқТ хизматлари, ташкилот ва объектларида ФВМҚ ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва юритишда услубий ёрдам кўрсатиш;

- ФВМҚ бўйича иш ҳужжатлари ва режаларини белгиланган талабларга мувофиқ ҳолатга келтириб, уларни доимий ва сифатли юритилишига эришиш;

- туманлар ФВДқТ хизматлари, корхона, ташкилот, муассаса ва объектларида фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун мўлжалланган моддийва молиявий захира фондларини яратилишини ҳамда янгилаб борилишини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

- ФВМҚ бўйича масъул ва жавобгар (рахбар ходимлар)ларнинг совуққонлиги, эътиборсизлиги ва белгиланган вазибаларни бажармаслик ҳолатларида уларга нисбатан қатъий маъмурий ва интизомий чоралар кўриш;

- туманлар ҳудудидаги эхтимоли мавжуд фавқулодда вазиятлар, уларнинг ривожланиш кўламлари ва кечиши мумкин бўлган оқибатлари ҳамда фавқулодда вазиятларни бартараф этишга оид қабул қилинаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахборотларнинг тўплаш ва алмашиш;

- ФВДқТ рахбар-ходимлар таркиби, ишчи-хизматчилар, таълим муассасалари ўқувчилари ва ишлаб чиқаришга жалб этилмаган аҳолини юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш тадбирларининг жойларда белгиланган тартибда ташкил этиш.

Умуман олганда, тадқиқот маълумотлари асосида аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, ФВДТ бошқарув органлари ва кучларини тайёргарлик даражасини ошириш ҳамда фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишга жалб этиладиган куч ва воситаларни ҳамкорликдаги ҳаракатлари бошқарувини таъминлашда мувофиқлаштириш услубиёти бўйича ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини мамлакатимиз ҳаётига тадбиқ этилиши ФВДТни янада такомиллаш-тиришга асос бўлиб хизмат қилади [6].

ФВДТнинг келгусидаги янада такомиллаштириш ва ривожлантириш босқичларида фавқулодда вазиятларга олиб келадиган омилларни барвақт аниқлаш, огоҳлантириш, хавф хатарларини камайтириш, тизимга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини самарали тадбиқ этиш, махсус бўлинмаларни моддий техник таъминлаш, аҳолини тизимли тайёрлаб бориш, бунда замонавий (масофали, ОАВ орқали ва б.қ) ўқитиш усулларида кенг фойдаланиш ҳамда объект даражасидаги бошқарув органлари фаолиятини тартибга солиш чораларининг кўрилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади [5].

Юқорида келтириб ўтилган таклифлар ФВДТ фаолиятини такомиллаштириш борасида олиб борилган тадқиқотлар ва замонавий ёндошувларга илмий-услубий жихатдан асосланган бўлиб, уларни босқичма-босқич жорий этилиши ва амалга оширилиши мамлакатимиз аҳолиси ва ҳудудларини табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишда ФВДТнинг янада такомиллашуви ҳамда фаолияти самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES

1. “Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ҳамда фуқаро муҳофазаси соҳасида қўмондонлик-штаб ва махсус-тактик ўқув машқларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича Услубий қўлланма” ФВВ Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти, Т.: 2021, 132 бет.
2. “Критериев оценки выполнения субъектами государственного контроля требований законодательства о защите населения и территорий от чрезвычайных ситуаций природного и техногенного характера, а также гражданской защиты”, № 402 от 07.11.2017 года, МЧС Республики Узбекистан.
3. Қўлдошев А.Х., Аҳоли ва ҳудудлар муҳофазаси муқаддас бурчимиздир. Янги Ўзбекистон газетаси 2022 йил 4 март, 46-сон, 5-б.
4. Раззақов Х.М., “Фавқулодда вазиятлар давлат тизими фаолиятини янада такомиллаштиришда муҳандислик муҳофаза қилиш тадбирлари ва улардаги мавжуд муаммолар ечимлари юзасидан таклифлар”, ФВВ Академияси илмий- амалий анжумани материаллари туплами, 2022 йил 30 август, 223-226 бетлар.
5. Раззақов Х.М., “Фавқулодда вазиятлар Давлат тизими фаолиятини мувофиқлаштиришда замонавий инновацион технологияларни жорий этиш масаллари”, ФВВ Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти республика илмий - амалий семинар материаллари туплами, 2022 йил 13 октябрь, 47-51 бетлар.
6. Раззақов Х.М., “Фавқулодда вазиятлар давлат тизими фаолиятини янада такомиллаштиришнинг илмий-услубий асослари ва тизимдаги мавжуд муаммоларнинг ечимлари юзасидан таклифлар”, Андижон Машинасозлик институти республика илмий-амалий анжумани материаллари туплами, 2022 йил 12 август, 1-том 565-574 бетлар. URL: <https://mechatronic.uz/admin/fayl/Book1.pdf#page=607>. (дата обращения: 30.04.2023).
7. Турсунов А.А., Раззақов Х.М. “Фавқулодда вазиятлар давлат тизими фаолиятини мувофиқлаштириш тадбирлари ва уларни янада такомиллаштириш масаллари”, Academic Research in Educational Sciences илмий журнали, 2022 йил 15 март 3-сон, 662-671 бетлар URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/fav-ulodda-vaziyatlar-davlat-tizimi-faoliyatini-muvofi-lashtirish-tadbirlari-va-ularni-yanada-takomillashtirish-masalalari>. (дата обращения: 30.04.2023).
8. Турсунов А.А., Раззақов Х.М., “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш Давлат тизимининг ривожланиш босқичлари ва такомиллаштириш муаммолари”, So‘ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi республика илмий-услубий журнали, 2022 йил 12 май 1-сон, 28-37 бетлар. URL: <https://bestpublication.org/index.php/sit/article/view/26> (дата обращения: 30.04.2023).
9. Турсунов А.А., Раззақов Х.М., “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар давлат тизими фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йуналишлари”, “Образование и наука в XXI веке”, выпуск №25 6 том, апрель 2022, 250-255 стр. URL: <https://yadi.sk/i/CeeczCUP8khP1g>. (дата обращения: 30.04.2023).
10. Турсунов А.А., Раззақов Х.М., “Ўзбекистон Республикасида Фавқулодда вазиятлар давлат тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш истикболлари”, International scientific-online conference: "Theory and analytical aspects of recent research", Turkey, april 28 th 2022, pages 115-120. URL: <https://zenodo.org/record/6492632#.ZE529HZBzIU>. (дата обращения: 30.04.2023).

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 5-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-5

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-5

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz